

“ИШОНЧ” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ

Эронов Самарбек Қурбонназарович

ТошДТУ Олмалик филиали “Ижтимоий гуманитар” фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

Ижтимоий фалсафий муносабатларда “Ишонч” тушунчасини жуда мураккаб ўзига хос феномени жиҳатлари билан ўрганишни тақоза этувчи татқиқот сифатида этироф этиш мумкин.

“Ишонч” категорияси олдинги даврдаги фалсафий тафаккур тузилмасида ошкора шаклда мавжуд бўлмаган. Яқин замонларга қадар “ишонч” категорияси соғлом фикрнинг кундалик маконида илдиз отган эди. Ҳозирги вақтда “ишонч” категорияси кундалик ҳаёт унсуридан фалсафий билим соҳасининг бир қисмига айланиб бормоқда. “ишонч” категорияси издан чиққан воқеликнинг бир қисми бўлганлиги боис, у ўз тузилмаси ичида инқироз амал қилиш механизмларини тушунишга имкон берувчи унсурларга эга.

Шундай қилиб, замонавий жамиятнинг айнан инқирозли ҳолати кишилар ўртасидаги ва фалсафий мушоҳада сифатидаги ишонч ҳамда ишончли муносабатлар мавзусини долзарблаштирмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг мавзуси ишонч муносабатларининг камайиш жараёни, яъни ишонч муносабатларининг турли шаклларини таҳлил қилиш ва “ишонч” ҳодисасининг шубҳага тортилмайдиган асосларини аниқлашдир.

Биринчи навбатда ишонч муносабатини сўз сифатида, инсон бошидан кечирадиган қандайдир ҳолат номи сифатида кўриб чиқишни, яъни маданий тажриба маконида “ишонч” сифатида номланадиган муносабатларнинг мантиқий-грамматик тадқиқот сифатида тушуниш мумкин.

Бунда ишонч ва ишончли муносабатларни излаш ва тақдимот қилишга йўналтирилган тадқиқотчилик тартиботини ишонч муносабатлари тадқиқотининг якуний босқичи деб фараз қилишимиз мумкин.

Ишонч муносабатларининг мантиқий-грамматик ва топологик тадқиқотлари муаммо сифатидаги ушбу тадқиқот доираларида кўриб чиқадиган бўлсак, мантиқий-грамматик ва топологик тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг бунда ишончли муносабатларнинг шубҳадан холи асосларини излашга мурожаат қилиш мумкин бўлади.

Тадқиқот предметининг бундай белгиланиши, муаллиф ишонч муносабатларини таҳлил қилиш учун матнларнинг анча кенг доирасини жалб қилиш имкониятига эга эканлигини англатади. Бунда қадимги замондан бошлаб постмодернга қадар бўлган турли илмий ва фалсафий матнлар учрайди, булар ишонч муносабатларининг феноменал чегараларини яратишга имкон беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, мазкур ишда ишонч муносабатлари ҳам муаммо, ҳам ўз мавжудлигининг шаксиз асосларига эга бўлган ҳодиса сифатида кўриб чиқиш мумкин. Муаммо сифатида ишонч муносабатларини таҳлил

қилиш ушбу ишни инсон ҳаётининг ижтимоий соҳасини тасвирловчи турли матнларни жалб қилишга имкон беради.

От сифатидаги ишонч муаммоси мамлакатимиздаги тилшунослик ва маданиятшуносликда тадқиқотларнинг турли йўналишларида келтирилган. Ишонч муносабатини от сифатида кўриб чиқишга имкон берувчи турли луғатлардан, фойдаланилган⁷. Мазкур луғат тадқиқотлари рус тилида “ишонч” сўзи қайси маъно гуруҳига киришини белгилашга, ва демак ишонч муносабатларининг навбатдаги топологик ва феноменал тадқиқ қилиш тартиботлари чегарасини белгилашга имкон беради, таҳлил учун В.И. Далнинг “Словарь живого великорусского языка” асаридан ҳам фойдаланган⁸

Буни тадқиқ қилиш ишонч асосларининг лингвистик мазмунини яратишга имкон беради.

Шунингдек ишончнинг от сифатидаги таърифи берилибгина қолмасдан, унинг ишониш ва эътиқоддан фарқловчи жиҳатлари келтирилган Брокгауз ва Эфроннинг “Энциклопедический словарь” китобидаги мақоладан парча ҳам келтирган⁹. Бундан ташқари ишончни от сифатида кўриб чиққан ҳолда А. Шопенгауэрнинг “Афоризмы житейской мудрости”, С. Московичининг “Машина, творящая богов” асарларидан ишончли муносабатларнинг маъно чегараларини

⁷ «Словарь паронимов русского языка» [86], словарь «Лексические минимумы современного русского языка» [68], С. И. Ожеговнинг “словарь значений русского языка” [92]

⁸ В.И. Далнинг “Словарь живого великорусского языка” асаридан ҳам фойдаланган [40,41]

⁹ Брокгауз ва Эфроннинг “Энциклопедический словарь” [54].

белгиловчи ўзига хос таърифлар мавжуд бўлган парчаларни келтиради¹⁰.

Бундан ташқари, мақоллар ва маталлар луғатига ҳам эътибор берсак, унинг маъносини белгилашга ёрдам берадиган оддий онг амалиётидан ҳам фойдаланишни кўраимиз. Бошқа томондан бизни шунчаки “ишонч” оти эмас балки унинг “эътиқод” отидан фарқи кизиқтиради. “Ишонч” отининг “эътиқод” оти ўртасидаги фарқ чегараларини белгилаш учун матнларнинг каттагина доирасидан фойдаланамиз. Бу энг аввало “ишонч” “эътиқод” сўзларининг этимологик тадқиқотидир. “Этимологический словарь русского языка” ҳақиқатан ҳам “эътиқод” сўзларининг этимологик яқинлигини таъкидлайди. Галикрелидзе ва В.В. Ивановлар томонидан тузилган “Индоевропейский язык и индоевропейцы”¹¹ луғати “ишонч” сўзининг ҳинд-европача таърифини билишга ёрдам беради. Ю.С. Степановнинг “Константы. Словарь русской культуры”¹² китобида келтирилган “ишонч”, “эътиқод” сўзларининг этимологик асослари тадқиқотини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек тилшунос Э.Бенвенистнинг қарашларини ҳам кўриб чиқсак ҳамда “ишонч” сўзи “ишониш” маъноси асосида юзага келиши борасида хулоса қилиш мумкин. “Ишонч”, “эътиқод” сўзларининг этимологик маъноси негизлари “Словаря русского языка XI-XVII вв.” китоби бўйича ҳам асослаб

¹⁰ А. Шопенгауэрнинг “Афоризмы житейской мудрости” [135],

С. Московичининг “Машина, творящая богов” [87]

¹¹ Галикрелидзе ва В.В. Ивановлар словарь “Индоевропейский язык и индоевропейцы” [28]

¹² Ю.С. Степановнинг “Константы. Словарь русской культуры” [112]

берилган. Бу тадқиқотлар “ишонч”, “эътиқод” отларининг яқинлигини ҳамда фарқланиш чегараларини шакллантиради.

Бундан ташқари “ишонч” ва “эътиқод” отларининг маъноларини белгилаш учун зарур бўлган тилшунослик тадқиқотларидан ташқари, славянча “ишониш”ни таҳлил қилган ҳолда ҳудди Э.Бенвист сингари “ишонч” дан олдин “эътиқод” пайдо бўлишини, “ишонч” тушунчаси “ишониш” тушунчасидан вужудга келишини таъкидлаган Н.С.Трубецкийнинг маданиятшунослик тадқиқотларига ҳам мурожаат қилган. Шунингдек, Н.С.Трубецкий¹³ сингари “ишонч” ва “эътиқод” тушунчаларининг мутаносиблигини таъкидлаган Д. Лурман¹⁴ ва Ф. Кардини¹⁵нинг маданиятшунослик тадқиқотларини ҳам таҳлилдан ўтказган.

Юқорида санаб ўтилган этимологик ва маданиятшунослик мулоҳазалари “ишонч” ва “эътиқод” тушунчаларининг умумийлигини кўрсатмоқда. Бироқ “ишонч” ва “эътиқод” тушунчаларининг фарқланиши муаммоси мавжуд. “Ишонч” ва “эътиқод” тушунчаларининг фарқланиш чегараси православ ақоидлари асосида шакллантирилган. Буни черков тарихчиси Г. Флоровский, православ илоҳиятшунос Иоанна Дамаскин, рус диний файласуфи Н. Лосский, византиялик илоҳиятшунос Диониси Ареопагит ишларида кузатамиз.

Шундай қилиб, “ишонч” ва “эътиқод” ҳодисаларининг мазмуни муаммоси мамлакатимиздаги ва хориждаги бир қатор муаллифларнинг

¹³ Н.С.Трубецкий маданиятшунослик тадқиқотлари [115]

¹⁴ Д. Лурман маданиятшунослик тадқиқотлари [150]

¹⁵ Ф. Кардини маданиятшунослик тадқиқотлари [57]

мустақил тадқиқот объекти бўлганлиги ҳамда анча батафсил ўрганилганлигини таъкидлаш жоиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “ишонч” ҳодисаси фақат унинг мазмун нуқтаи назаридан эмас, балки унинг мавжудлиги нуқтаи назаридан ҳам қизиқтиради, шунинг учун ишонч муносабатларининг мавжудлигини баҳолашга имкон берадиган фалсафий мулоҳазани таҳлилдан ўтказиш ҳам муҳим бўлган. Бундан олдин амалга оширилган тилшунослик мулоҳазаси “ишонч” ҳодисаси маъноси маконининг чегараларини аниқлашга имкон берди. Бу хулосалар муаллифга “ишонч” ва “афсона” тушунчасини таққослашга имкон берди, чунки ушбу тушунчалар бир хил тимсолларга эга. Шу асосда муаллиф афсона ишонч муносабатларининг расмий таркибий қисми бўлган макон эканлиги борасидаги фаразни илгари суради. Ишончнинг шакли сифатидаги афсона тўғрисидаги фаразни исботлаш ҳамда ишонч муносабатларининг топологик мақомини тасвирлаш учун муаллиф афсонанинг фалсафий ва маданиятшунослик маъноларига мурожаат қилади.